



Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

2001 йил, 20 март

4-5 (237-238) сон

ҲАСОҲАТ ВА ҲУСУН КЎРИКЛАРИ

Файзли Наврўз арафасида халқимизнинг ижод, фасоҳат, ҳусун ҳазиналари кенг очилиб, илҳом булоқлари қайнаб, неча-неча ёрқин, гулгун қизларимиз Зулфия муқофотлари билан тақдирландилар.

Куни кеча меҳнат ва ижодкорликнинг яна бир кўригида шарафли «Офарин» совриндорларини кутлаш тантаналари бўлиб ўтди.

Халқимизнинг турли ёшдаги бўғинларида мансуб адиблар, санъаткорлар, журналистлар, рассомлар, режиссёрлар, маданият ходимлари турли номинациялар бўйича йилнинг энг яхши ижодкорлари деган фахрли номга сазовор бўлдилар.

Улар орасида устоз адиблар қатори партияимизнинг фаол етакчиларидан бири заҳматқаш ёзувчи, журналист, жамоатчи Хуршид Дўстмухамедов ҳам борлигидан фахрланамиз. Сафдошимиз ва дўстимизни бу ижодий ютуқ ва айниқса, кириб келаётган етуқлик 50 ёши билан чин дилдан кутлаймиз. Ҳар йилнинг шундай наврўзий бўлсин!

«Миллий тикланиш» таҳририяти

Фикрлашув

ВАТАНГА МУҲАББАТ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ватан бизни севишига шубҳа йўқ, унинг муҳаббати азалий ва абадий муҳаббат. Одамзоғ тупроқдан яралган, ҳейдилар. Балки шундан Ватан ўзидан яралган одам ахлини - фарзандларини юрагининг бир парчаси каби кўрар, меҳр томирлари тортиб баеридан кўйсиси келмас. Бизчи, биз уни қанчалар севадим, қанчалар севадим, бу сева кўртаклари нилмадан уйеонар? Бу сабоқларга ҳар бир ватандошимиз ўз ҳаётидан, айни болалик - илк маънавий уйеонини фаслидан жабоб изламоғини ва уларни бир-бир ҳикоя қилмоғини жуда-жуда истар эдик. Умр китобининг бу ҳикоялари шу муқаддас тўбанинг пайдо бўлиши, янада оташ олиши ҳақидаги чин, ҳаётий ва таъсирчан сабоқлардир, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашимизга бизга кўмак берар деб ўйлаймиз. Шу маънода юртдошларимизга «ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ СИЗДА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?» деган савол билан мурожаат қилиш, жавобларни «МТ» саҳифаларида мунтазам бериб бориш истаги туғилди. Сўзни сўз усталари - таниқли ижодкорлардан бошладик, шу билан бирга, ушбу саволга барча - Ватанни сеувчи ҳар бир юртдошимиз жабоб айтса, бу ҳикоялар келгуси саҳифаларимизни тўлдуриб борса, деган умиддамиз.

Шарифа Салимова — таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Киши қай манзилда, қандай умргузаронлик қилмасин, кексалик ёшига етганда фарзандига «болом, кўни келиб омонатини яратганга топширсан, мени ўз хилхонамизга кўйгин», дейди. Одамзоғ яраганидан сўнги дақиқаларига, боқий дунёда ҳам ўзини Ватанга, Ватанни ўзига илинишни истайди.

Дунёни энди таниётган, сочлари жамалак қизалоқкина пайтим бир қўлимдан бувам, бир қўлимдан отам (ёки онам) ушлаганича муқаддас жой - овлиёлар зиёратига борардик. Менга таниш бўлиб қолган йўл

ЮРТ ФАЙЗУ ТАРОВАТ БИЛАН ТЎЛСИН!

ТАБРИК

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ МУСТАҚИЛ ОЗОД МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚИНИ, БАРЧА ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ, САҲДОШЛАРИМИЗНИ, ҲАЙРИХОҲЛАРИМИЗ, ИЖТИМОИЙ РАВНАҚ ЙЎЛИДА ЕЛКАМА-ЕЛКА ТУРИБ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ҲАМРОҲЛАРИМИЗ, МАДАДКОРЛАРИМИЗ, БАРЧА СОҲДИИ ДЎСТАЛАРИМИЗНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ АЗАЛ БАЙРАМИ - ЯШАРИШ, ТОЗАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, ЯХШИЛАНИШ АЙЁМИ - 2001 ЙИЛНИНГ НАВРЎЗИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ. ҲАР БИР ХОНАДОН, ҲАР БИР ҚАЛБГА НАВРЎЗ ШУҚУҲИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙДИ.

НАВРЎЗИНГИЗ МЎБОРАК, ДЎСТАЛАР!

ЎЗМТДП МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ

УЗОҚ ҲУДЗИДАН ЎЗБЕК НАВРЎЗИГА ГУЛЛАР САЛОМИ!



Ҳудзи тоғи, Япония

Бундан 2000 йил муқаддам Японияга жуда кўп янгилликлар Буюк Ипак йўли орқали кириб кела бошлаган эди. Шу билан бирга Япония тараққиётида мислсиз аҳамиятга эга бўлган буддавийлик ҳам шу кутлуғ йўлдан бизга кириб келди. Ҳозирда «Ўзбекистон» ва «Марказий Осиё»

деган сўзлар, тушунчалар жуда кўп япон кишиларида соғиниш туйғуларини уйғотади, улар бизнинг кўпларимизни суруриш оламларга бошлаб боради. Мен Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси бўлганимга бир ярим йил бўлиб қолди. Шу қисқалина вақт

ичида мен Ўзбекистон тарихининг нечоғлик теран эканлигини сездим. Ўзбекистон маданияти ўз ичига жуда кўп маданиятларни сингирган ғоятда бой ва жуда катта ижодий салоҳиятга эга маданиятдир.

Ўзбек халқининг ажойиб анъаналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Япония билан Ўзбекистоннинг турмуш анъаналари ўртасида ажиб ўхшашликлар оз эмас. Шуларга дуч келганда мен ўзимнинг энг қадим дўстим билан учрашиб кўришгандай бўламан.

Японияда Ўзбекистонга қизиқиш катта. Шу йил апрел ойининг охирида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси Тошкентдан тўғри Осакага учадиган ҳаво рейси очишни режалаштирмоқда. Бизнинг мамлакатларимиз бундай байрамлар чоғида бир-бирларига янада яқинроқ бўлиб қоладилар.

Кёко НАКАЯМА
Япониянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор
элчиси

бораётганимни хис қилиб катталарга қўшилгандай қувондим. Бувам сўзлаб борорди: «Болом, қўлингга кўйиб ол, шу тупроқ, шу Паркент кишлоғи сенинг Ватан жойинг. Мана шу маконда, шу уйда сен туғилдинг, катта бўлгансан, шу ерга закиригини бердик».

Энди ўйласам, Ватан деб таништирилган кишлоғимнинг ҳар бир дарахтини, оқар сувлари, майса-гиёҳларини авайлаш ҳисси, юрт маънавиятини, эл қомиллигини осмон қадар кўтарган улуғлар ёдини қалбда кўтариб туриш туйғуси илк бора Ватан киефасини яратишда катта дарёнинг ирмоқлари каби руҳимга синган.

Ватан бутун борлиги, манзаралари, яхлитлиги билан кўнгилга азиз олинар. Тоғ чўққиларидаги қорларни саҳроларидоғи янтоғига, гуллар, қушлар - кўмрию қалхатлари билан ҳам жон-дилинига яқин, жон-дилиниг у. Бир умр Ватанин эзгу бир қизганиш, унга ардоқ ҳисси билан яшайман, тиканларига бағримга босгим келади. Новдаларни буркаган гулларга бармоқлар тегинмасин, кийиклари бемаҳал ўкка учмасин, дейман. Каттиқроқ шомоллар, беҳаловат буронлардан зарра қадар озорланмоғини тилайман. Еру осмонига жонинг туташ каби Ватаннинг ҳар зарраси сенда яшайди, юрт сўқмоқлари юрагиндан ўтган йўллардир.

Ватан деймизу бу сўзни титрамасдан айтиб бўлмайди. Ватан елкасига кетмон олиб, дала йўлида кетаётган, юртга ризқ бераётган ота тимсоли, Ватан - тўнлар фарзанди оромига кўкси тўлиб боқётган она тимсоли. Ватан - ажинлари ҳўяларга айлиниб кетган момолар, боболар тимсоли. Ватан десам жон-жонимда ҳамон ўша болалиқдаги авлиёлар зиёратига чақилган мурғак юрагим талпинишлари кўзгалади. Ва бугун катта ёшда англаганим Ватанин чуқурроқ, қайноқ, улкан муҳаббат билан тобора севаётганимни хис қиламан. Уни бутун яхлитлиги, борлигига ўзимизники билиб яшашдан ортиқ саодат бўлмаст!



четидаги ҳар бир гиёҳ, дов-дарахтлар, ариқ бўйларидоғи уюм дўнлар (у пойтада менга жуда катта кўринарди) кўзимга қадрдон, биридан кейин бирини кўргунча шошардим, ҳар гал мурғак болақойга хос тизгинсиз бир соғинч, талпиниш билан ўтардим. Бу йўлда возмин салобат, улуғлик тўярди кўнгим, энг бир ахши жойга

ЖОН ИЧИНДА ЖОН КАБИ МУДОМ ТАЛЛОШИМ ВАЯТАН

О, менинг гўзалларим, менинг кўнгли оқларим, Гоҳида қайсар, гоҳи мўмин қизалоқларим. Сочлари сунбулларим, фариштаю хурларим Бир тилда сайрагучи, сирдошу, иноқларим. Дукур-дукур чопасиз, минг бахона топасиз, Кўнглим озорларини меҳрингиз-ла ёпасиз. Сочингизни минг усул, минг оҳангда тарайсиз, Менинг узукларимни бир кўрай деб сўрайсиз. Менинг зару зўрим йўқ, узун-узун қўлим йўқ, Ватан сарҳадларидан айро тушган йўлим йўқ.

Тилло либос киймадим, шу тупроқни сийладим, Сизга аллалар айтган бундан ўзга тилим йўқ. Бор бизотим шу Ватан, бор меросим шу Ватан, Ҳам Макка-ю Мадинам, саждагоҳим шу Ватан. Кўёшу ойи билан, серзарда сойи билан, Гоҳ кўнгли бойи билан, гоҳ қўйни бойи билан, Гулу тупроғи билан, гулу янтоғи билан, Шу улуг тоғи билан саждагоҳим шу Ватан. Бир куни кетганимда, манзилга етганимда Ҳақдин омонат нурни ўзига элтганимда

Энг сўнги сўзларимни дунёга айтганимда Мендан қолар бойлигим, зўр меросим шу Ватан. Бошимга болиш бўлур, қабртошим шу Ватан, Ундан ўзгаси ёлгон, зарларининг нархи арзон, Ватансиз қалб бойқушлар чуғуллаган бир макон. Ватансиз қалб бўшлиқдир, Ватансиз

қалбдир вайрон.

Жонимни сизга тутдим, Сиз уни асранг омон, Ундан ўзгаси ёлгон, ундан ўзгаси ёлгон.

Жон ичинда жон каби, мудом талошим Ватан. Шарифа САЛИМОВА

Сабо, еткур саломимни!

НАВОЙИДАН ЎҚИТМОҚ УЧУН

Ҳурматли «МТ» таҳририяти ходимлари, ватанимизнинг юрагида яшаб ижод қилаётган ва ўз иш фаолиятини ҳам шу жойда адо этаётган олимۇ зиёкорлар!

Мен ватанимизнинг олис туманларидан бўлимиш Андижон вилояти Пахтаобод туманининг Озод жамоа ҳужалигида истиқомат қиламан. Ёшим олтимишда.

Тор давранинг ҳофиси бўлса-да
тилим
Олимлар суҳбатин кўмсайди дилим.

Мана шу икки қатор байт кучи асносида мен «Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлиб, газета ижодий гуруҳи билан бардавом суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Бунинг учун Оллоҳга шукроналар бўлсин. Мақсадим, аждодларимизнинг биз билмаган фазлу сифатларини урганиб, авлодларимизга суз ва иш ила яхши маънавий мерос қолдиришидир.

Биз ўқиган пайтларимизда ўз миллий тарихимиз қолиб, сохта тарихларга доир матнларни ўқишдан-да утиб, ҳаттоки ёд олганмиз. Шўқрим, бу қуюн шамоли бир давр ҳаммаёқни аралаш-қуралаш қилса-да утиб кетди. Энди навбат ўзимизни - узлиқни урганишга, иншооллоҳ. Биз ҳар ҳолда марказдан узоқдалигимиз сабабли кўп яхши адабиётларга қўлимиз етмайди. Шунинг учун миллат маънавияти ҳақида уйлаб иш тутар экансизлар, биз - қишлоқдагиларга ҳам алоҳида, кўпроқ аҳамият бермоғингиз тилағида эдик.

ТошДАУ талабаси Фароғат қизимиз айтибди, - «Мен Навойини ўқийман», деб шу фикрлар бизнинг тилимиз учига турган орзуларимиз эди. Даҳо шоирнинг 560 йиллигига атаб Навойи шеърятидан ёд ўқимок бўйича барча турдаги ўқув юртларида танлов ўтказишга доир «МТ»нинг таклифи ҳам бизни хушнуд этди. Қанийди! Айни муддао булғай. Шундай тадбирлар ила Навойини ўқийдиган ёшлар, болажонлар сони ортади, албат.

Сизларни уйғониш - тикланиш фасли баҳор ва баҳорий байрамлар билан самимий мўбороқбод этаман. Аждодларимиздан бизга хабарлар беришда, миллатга узлиқни танитиш йўлида сизларга мудом муваффақиятлар тилаб қолувчи муҳаббатли мухлиснингиз Фазлидинхожи ФАХРИДДИН ўғли

Тафаккур ёлқинлари

НАПОЛЕОН ВА УЧТА ЈАЗЕТА

Олдингизда қанча душман орт-тирсангиз майли, лекин уларни орқангизда қолдирманг.

Бернард Шоу

Ахборот - демократиянинг асосий валютаси.

Америка юристи

Журналистика бу - югуриб бораётган адабиёт.

Метю Арнолд

Шарҳлар арзон, лекин фактлар жуда қимматга тушади.

Том Стоппард

Мен юз мингта жанговар найзадан кўра учта газетадан кўпроқ қўрқаман.

Наполеон I

Акс-садо

«ЭНГ ЯҚИН СЎЗ»... ЯҚИНИДА

У ФИТРАТНИНГ СИНГЛИСИ ЭДИ ВА СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА ЁЛГИЗ У ФАМИЛИЯСИДА КОЛДИ...

ОНА ҚУВОНЧИ

Ота-она учун фарзанди шаънига айтилган илиқ сузларни эшитиш қувончи узгача бўлади. Маҳалламизда истиқомат қилувчи Вазира ая Сайдуллаеванинг угли Тоҳиржон хизмат қилаётган ҳарбий бўлинма бошлиғидан ташаккур хати келди. Унда шундай жумлалар бор: «Углингиз Тоҳиржон уз хизматини утаётиб, конституцион бурчини виждонан баҳармоқда. У кунт билан ҳарбий билimlerни урганаяпти, жанговар топшириқларни хушёрлик билан баҳармоқда, жамоат ишларида фаол қатнашмоқда, уз қуролдош дуствлари уртасида обрў-этибор қозонган. Булинма командирилар углингизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаганингиз учун сизга юракдан миннатдорчилик билдирдилар».

«Энг яқин сўз...»ни ўқидиму буюк сиймо Абдурауф Фитратнинг синглиси Маҳбуба опани хотирладим, зийли инсон, шоир ҳам носир. Узи камсуқумгина аёл эдилару, лекин иродаси метин экан-да. Буни мен исм-шарифига «ова» ва «овна» деган қўшимчалар қўйдирмай, умри повнигача ёзган шёрларига «Маҳбуба Раҳим қизи» деб имзо чекиб келганларидан англайман. Ваҳоланки, бутун бу эл— неча миллион фуқаро исми-шарифини урислаштиришга мажбур булган эди. Эл-юрт ичида ёлғиз узи «Маҳбуба Раҳим қизи» бўлиб қолиш уз вақтида осон булмаган, албатта. Шу уринда онам Вазираҳон билан бўлиб утган бир воқеани эслаймэн. Онам илк бор паспорт олганида, исмини Назира қилиб ёзиб қўйишибди. Онам «менинг исимин Назира эмас, Вазираҳонман — тузатиб қўйинглэр», — деганида — «Барибир эмасми, Вазира бўлди нима-ю, Назира бўлди нима...» деб каттиқ гапирлишган экан паспорт столи ходимлари. Онагинам бошини эгиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида, маҳалла комиссияси раиси Қудрат ака паспортдаги номни тузатиб ёзишни қаттиқ туриб талаб қилибди: «Назира билан Вазира барибир эмас. Вазира дегани министр дегани бўлади, Назир эса... Фарқ катта, — дебди. — Ном охиридаги «хон»ниям қўшиб ёзинг». «Ана шундай даврда, бутун эл-юрт исми-шарифи замон зайли билан русчалаштирилган бир чоғда «халқ душмани» деб хибсага олинган Фитратнинг синглиси булгани ҳолда Маҳбуба оланинг исми-шарифини узбекона сақлаб қолишининг узвёқ катта қаҳрамонлик эди», — дер эди зийли Салоҳ Ҳасан.

Холида АХРОРОВА

БОБОМНИНГ ИСМИНИ ЎЗГАРТИРАЙМИ?

Ўқувчилик пайтим эди, янги синф раҳбаримиз фамилиямизни сурай бошлади. Сураганда ҳам... айнан гувоҳномада ёзилганидай. Гувоҳномада фамилиям рус тилида ёзилган бўлиб, бунга ўргани ҳам қолганим. Гоҳида фамилиямни узбек тилида айтишса, жаҳлим ҳам чиқарди. ...Паспорт олаётганда фамилиямни узбек тилида ёзишларини илтимос қилдим. Лекин қандайдир «қоида»лар туфайли фамилиям «аросат»да қолди, яъни на узбекча, на русча. Бундан талабалик оид ҳужжатларимда ҳам исм-шарифим «аросат»да битилди. Энди куника бошлаганимда, паспортимни йўқотиб қўйдим ва қайта оладиган бўлдим.

Бу гал фамилиямни узбек тилида ёздирмоқ аҳд қилдим. Аммо бу «кичкина гап» эмас экан, мен уйлагандай бўлмади. Бу сафар фамилиямнинг «аросат»лиги ҳам кўп қурилди, тўғрироғи... худди гувоҳномадагидек, яъни соф рус тилида ёзилди. Ҳайронман, паспорт берувчилар турли «қоида»ларни рукач қилмасдан, фамилиямни узбек тилида ёза қолишса нима қиларкин? Курииб турган оддий ҳақиқат — исм-фамилияни тўғри ёзишнинг «жинойи» жиҳати йўқ.

Ҳозир фамилиям паспортимда рус тилида, талабаликка оид ҳужжатларимда «аросат» бўлишига қарамай, шундоғам русча фамилия қўшимчалари асосидаги исм-шарифини ҳеч қурса ҳарфларини узбек тилига — уз ҳолига ўзлаштириб олдим. Майли, «хато» бўлсин лекин аслича айтилсин, дейман-да. Ёки ортиқча расмиятчилик, кимларнингдир «қоидасевар»лиги деб, бобомнинг исмини ўзгартирайми?

Феруза (КУВАНОВА) ҚУВОНОВА



ИНСОН СУВ МУАММОСИ ИЧИДА...

Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси

ИСКАНДАР ҚАЛАНДАРОВ СУҲБАТИ

«МТ» муҳбири: Бугун дунёда сув танқислиги тобора ўзини сездиришмоқда. У глобал муаммо тусини олаётганлиги равшан. Олимлар ташвишга ботиб сўзлаётганларидек, бу ер кўрриси табиатининг ўзгариши, «исиши» билан боғлиқми ёки соф маънода инсоннинг ҳўжалик, саноат, турмуш кечирishi фаолияти билан боғлиқми? Асосий сабаблар нимада?

И. Қаландаров: Инсоният XXI асрга ўтиб боришида ва кейинги тараққиёт даврида унинг ривожланиш омилларида кескин даражада таъсир қиладиган муаммолардан бири дунёда тобора танқис бўлаётган сув муаммосидир. Ҳозирги вақтда дунё аҳолиси 6 миллиарддан ортиб кетди. Унинг йиллик ўсиш даражаси 1.6 фоизни ташкил қилмоқда.

Дунё банкининг 1996 йилги маълумотига қараганда ер юзидеги барча аҳолининг жон бошига 8338 кубметр сув тўғри келар экан. Бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткич 2500 кубметр атрофида.

Мухбир: Сув танқислигининг олдини олиш чора-тадбирлари нимадан иборат? Келаётган ўн йилликларда асосан нимага эътибор қаратмоқ керак?

И. Қаландаров: Мамлакатимизда аҳолининг ўсиши, саноатнинг ривожланиши ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган эътиборнинг орта бориши сувга бўлган талаб даражасини ҳам йил сайин ортиб боришига олиб келмоқда. Агар мамлакатимиз аҳолисининг келаётган 25-30 йил ичида 35 млн. дан ортиб кетишини ҳисобга олсан, бу даврда албатта сув ресурслари талаб қилинади. Афсуски, биз қанча истамайлик, бундай кўп миқдордаги сувни табиат бизга инъом этмайдими. Аксинча, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги иқлим ўзгариши бўйича Миллий комиссиясининг глобал иқлим ўзгариши ҳисобга олган ахборотига кўра келажакда бу даврда сув ресурслари 10-15 фоизга камайиши мумкин.

ришини ҳисобга олган ахборотига кўра келажакда бу даврда сув ресурслари 10-15 фоизга камайиши мумкин.

Шунинг учун юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланишнинг тежамли техноло-

даги жами жонзотларнинг яшати ва ривожланишида асосий омилдир. Шунинг учун сувлар ва сув объектлари, уларнинг моддий таркиблари давлат бойлиги ҳисобланиб, иқтисодий-ишқимизнинг юксалишига ва ишқимизнинг самарадорлигини амалга оширилишига бевоқифа хизмат қилади.

Афсуски, айрим ҳўларда борлиқ табиати-

мизнинг бу беназир бойлигига тегишли даражада тўла оқилона муносабатда бўлаётганимиз йўқ. Кўп ҳўларда дарё ва ер ости сувларини ифлослаштириш даражаси турли сабабларга кўра ортиб бормоқда, сув исрофаричилигига йўл қўйилмоқда. Сув ҳавзаларига саноат ва маъиший чиқиндилари, оқова сувлар тушишининг олдини олиш, йўл қўймаслик етарли эмас.

Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган сув миқдори экинларни биологик ўсиши учун бўлган талабдан бир неча марта кўпдир.

Мухбир: Олий Мажлиснинг Сизнинг қўмитангизда «Сув кодексини ишлаб чиқмоқда. Бу ўта муҳим Кодекс ўзи ичига нима ларни камраб олади?»

И. Қаландаров: Албатта, сув сиёсатини илмий асосда олиб бориш ва муносабатларни тартибга солиш мақсадида Олий Мажлис томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинган. Амалдаги қонунлар мажмуидан алоҳида сув ресурсларига тааллуқли муносабатларни тартибга соладиган «Сув кодексини» қўмитамизда муҳокамга қилиш амалга оширилаяпти.

Ҳозирги кунда бу муносабатларни «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун амалга оширмоқда.

Мухбир: Президентимиз яқиндаги нутқларидан бирида 2 млн. га ер шўрланганлиги ҳақида жуда ташвишлик сўз юритди. Шўрланган ерларни қайта тириштириш учун нима лар қилиш зарур? Суғориладиган ерларнинг камайиб бориши аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб боришини ҳисобга олганда хавфли симптом эмасми? Бу борада олимлар ва мутахассисларнинг аниқ дастурлари, таклифлари илмий йўналишлари борми?

И. Қаландаров: Ўзбекистонда сув омборлари қурилиши ва улардан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу улкан сув ҳавзалари суғориладиган ерларни сув билан таъминланганлигини кўчатиришмоқда. Бундан ташқари Амурдаё ва Сирдарё сув ҳавзаларида сув омборларининг умумий сигими 57 миллиард кубметрини ташкил қилади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида жойлашган ички ирригация тизимларидеги сув омборларининг умумий ҳажми 16,4 миллиард кубометрни ва давлатлараро сув омборларининг сув ҳажми 40,6 миллиард кубометрни ташкил қилади. Айтиш керакки, мавжуд сув омборларининг миқдори мамлакат эътиёлларидан келиб чиқса, ҳозирча етарли эмас. Айниқса Амурдаё сув ҳавзасида қўшимча сув омборлари келажакда албатта қурилиши керак. Маблағ етишмаслиги туфайли кейинги йилларда янги сув омборлари бунёд қилиш анча камайди.

Маълумки, инсонларнинг ҳаётида, жамиятдаги фаолиятида сув ресурсларининг аҳамияти катта. Улар иқтисодийда, ижтимоий соҳада муайян атроф муҳитни сақлаб туришни таъминлашга хизмат қилади.

Сув бу табиий муҳитимизнинг бетакрор таркибий қисми бўлиб, табиат-

мизнинг бу беназир бойлигига тегишли даражада тўла оқилона муносабатда бўлаётганимиз йўқ. Кўп ҳўларда дарё ва ер ости сувларини ифлослаштириш даражаси турли сабабларга кўра ортиб бормоқда, сув исрофаричилигига йўл қўйилмоқда. Сув ҳавзаларига саноат ва маъиший чиқиндилари, оқова сувлар тушишининг олдини олиш, йўл қўймаслик етарли эмас.

Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган сув миқдори экинларни биологик ўсиши учун бўлган талабдан бир неча марта кўпдир.

Мухбир: Олий Мажлиснинг Сизнинг қўмитангизда «Сув кодексини ишлаб чиқмоқда. Бу ўта муҳим Кодекс ўзи ичига нима ларни камраб олади?»

И. Қаландаров: Албатта, сув сиёсатини илмий асосда олиб бориш ва муносабатларни тартибга солиш мақсадида Олий Мажлис томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинган. Амалдаги қонунлар мажмуидан алоҳида сув ресурсларига тааллуқли муносабатларни тартибга соладиган «Сув кодексини» қўмитамизда муҳокамга қилиш амалга оширилаяпти.

Ҳозирги кунда бу муносабатларни «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун амалга оширмоқда.

Мухбир: Президентимиз яқиндаги нутқларидан бирида 2 млн. га ер шўрланганлиги ҳақида жуда ташвишлик сўз юритди. Шўрланган ерларни қайта тириштириш учун нима лар қилиш зарур? Суғориладиган ерларнинг камайиб бориши аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб боришини ҳисобга олганда хавфли симптом эмасми? Бу борада олимлар ва мутахассисларнинг аниқ дастурлари, таклифлари илмий йўналишлари борми?

И. Қаландаров: Ўзбекистонда сув омборлари қурилиши ва улардан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу улкан сув ҳавзалари суғориладиган ерларни сув билан таъминланганлигини кўчатиришмоқда. Бундан ташқари Амурдаё ва Сирдарё сув ҳавзаларида сув омборларининг умумий сигими 57 миллиард кубметрини ташкил қилади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида жойлашган ички ирригация тизимларидеги сув омборларининг умумий ҳажми 16,4 миллиард кубометрни ва давлатлараро сув омборларининг сув ҳажми 40,6 миллиард кубометрни ташкил қилади. Айтиш керакки, мавжуд сув омборларининг миқдори мамлакат эътиёлларидан келиб чиқса, ҳозирча етарли эмас. Айниқса Амурдаё сув ҳавзасида қўшимча сув омборлари келажакда албатта қурилиши керак. Маблағ етишмаслиги туфайли кейинги йилларда янги сув омборлари бунёд қилиш анча камайди.

Маълумки, инсонларнинг ҳаётида, жамиятдаги фаолиятида сув ресурсларининг аҳамияти катта. Улар иқтисодийда, ижтимоий соҳада муайян атроф муҳитни сақлаб туришни таъминлашга хизмат қилади.



Еттинчи бобомизнинг исми нимаиди-а?..

ҚОҚОҒЛАШТИ...

ЭЛАЙДИ

Йигитлар хонасига кирган ётоқхона маъмури осиглик? Йигитларнинг суратидан йўқми?

Йигитларнинг суратини кўрмоқчи бўлсангиз, қизларнинг хонасига кириш, — Ҳазиллашишди талабалар.

— Яқинда имтиҳон, китобдан бош кўтармайямиз шу кунларда, — деди талаба эснаб.

— Китоб ёстигинг остидами дейман, — синчков боқиб сурати ота.

— Бу ҳўқояни тунда шам ёруғида ёздим.

— Демак, «класник» асар бўлибдида!

— Кушимга тухум бергандим. Икки ойдан буён пулини бермайди. Сураш нокуллай. Эсиндан чиққан шекилли, нима қилсам экан?

— Енингга келганда товуқ бўлиб қоқоғла, эсига тушади.

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ

АРМОНГА ЙЎҚОҒИР ҲОЖАТ...

(Телса тебранмас бир ҳўжалик раиси ҳақида қишлоқлик дўстимнинг айтганлари ва унга дангал жавобим)

«Сенга биздан хабар берсалар, дехқон жуда бойдир, десалар, йўқ, унчалик ишонма, дўстим, раис ҳатто қасам ичсалар...»

Ўзи ҳар кун роса тўяди, эрмакка қўй, хўроз сўяди, дехқонларни авраб қўяди, бечоралар шунга қўяди...

Фермер бўлсақ қизганида ер, ишим битсин, десанг — пора бер, бу гапинга кимдир «уят» дер, Билай дерсан, қишлоққа бир кел...

Сенга биздан хабар берсалар, қишлоққа газ келди, десалар, лоф гапларга ишонма асло, ҳали қувур топган эмаслар...

Телевизор мактади роса, ҳўжаликнинг марказин фақат, уч тош нари қишлоқ — аросат, раис унга қиларми тоқат?!


Сенга биздан хабар берсалар, муаммо ҳал бўлган, десалар, алданмагин унга, жигарим, номаъқулнинг нонин есалар...»

Тилим бор деб жаврайверма, бас! Пашшадан фил ясамоқ нечун? Ҳақиқий эр сафсата сотмас, Мард — майдонда кўрсатар кучини! Пичин гапга ўрин йўқ зинҳор, Ишлагин, бой бўлгин, беминнат! Битта раис қилган бўлса хор, Шунга гапинг бўлури иллат?! Ер-чун пора олмақ — кўп гуноҳ, Ҳаром бўлар пок она-замин. Ундай каслар бир кун чекар оҳ, Тупроқ кўзин тўлдирар камин... Неча йилки истиқлол нури, Юртимизни буткул ёритган. Шўро даврин сарқитларини, Қишлоқдан ҳам минбаъд аритган. Мустақиллик қонунини — қалқон! Қаддинги ғоз туттл, юртдошим. Ҳақ йўлида сен-чун берай жон, Суяنجимдир азиз Юртбошим! Тўлқин ЭШБЕК

Менинг фикрим МИЛЛИЙ РЕКЛАМАЛАР КЎПАЙСА...

Пойтахтимизнинг турли гушаларида, катта-кичик кучаларида, қай тарафга қараманг, ҳар хил плакатлар, тасвирлар, кўлаб рекламалар диққатингизни тартади. Айниқса рекламалар, табиийки, қўпчиликка зарур маълумотларни бериб туради, улар орқали кишиларнинг эҳтиёжи, қизиқишларига мос хизматлар ва маҳсулотлар таклиф этилади. Миллий-маънавий мавзудаги суратларда истиқлол ғояларининг жонли, гузал тасвирлари бор. Бироқ кўп жойларни айланар экансиз, мақсад-мазмуну ноаниқ рекламаларнинг ҳам дуч келиб қоласиз. Шунингдек, деярли барча турдаги рекламаларнинг рекламалари нисбати бошқа барча мавзудаги рекламаларни бир қўйиб қиёс қилганингизда ҳам беҳад кўпчилигини кузатасиз ва бунинг ёш авлод маънавиятига маълум таъсир ҳақида ўйлайсиз. Амир Темур хивбонидеги яқиндагидеги пайдо бўлиб қолган бир реклама плакатига эҳтимол кузингиз тушгандир, унда ғарқ пишган қип-қизил олма ва унга санчилган сигарет қолдиқлари тасвирланган. Тасвир ёнига «Соғлом турмуш тарзи» деб ёзиб қўйилган. Рекламанинг кўрган йўловчилар (ҳў узбекистонлик, ҳў хоржилик бўлсин) мана шундай «гузал» соғлом турмуш тарзи ифодаланган суратдан узига нима олиши мумкинлигини, мазкур «бетакрор» манзара орқали муаллифлар нима демоқчилигини тушуниш қийин, бирор мантиқий боғланиш йўқдай. Шаҳримизнинг Бешёғоч мавзесидеги аввалроқ «Чекмасдан Ёшлик гаштини сур!» деган гоят фойдали сузлар битилган реклама осиглик эди. «Тегирмон навбати билан»ми ёки реклама келтирган маънавий фойдани «овиш»ганми, яқинда унинг ўрнига янги урнатилди. «Долзарб» мавзудаги бу янги реклама ёшларни тарғиб қилинаётган сигаретанинг «сифатини синаб кўринг» деб чорлайди. Шифокорлар томонидан «соғлик учун хавфли» деб қайд қилинган, демак нақ захарли маҳсулотнинг «сифати» қандай бўлиши мумкин?! Чеки ҳақидаги рекламалар чекувчилардан қўра чекмайдиганлар (асосан, ёш усмирлар — яъни янги мижозлар) учун тарғиб қилинади чамамда. Уйлайманки, болаларнинг эътиборчанлиги, ойнаи жаҳонда берилаётган рекламаларни кичкина уқаларимиз ёд билиши бизни оз бўлса-да хўшёр тортириши керак. Ёшларни соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш кўнларимизнинг муҳим вазифаларидан бири деб эътироф этилган экан, уз ўрнида уларга чекининг зарарли оқибатларини ёритувчи, шунингдек, миллий истиқлол ғояларини ифодаловчи реклама, плакатлар кенг тарғиб қилинса, айни муддоа бўлар эди. Зеро, тарғиботдаги меъёр, мувозанат, маънавий қарашлардаги мувозанатни ҳосил қилади. Таниқли адиб Тоҳир Маликнинг асарларидан бирида «Сигарет чеккан етар муродга» деган сузларни тез-тез такрорлайдиган қаҳрамон тасвири бор. Баъзан чекиш ҳақида шу суръат тарғибот кучаяверса, мазкур «чикматли» сузлар ёзилган рекламалар ҳам пайдо бўлиб қолса, деб ўйлайди киши.

Собиржон ЁҚУБОВ, ЎЗМУ толиби



А. ҲАКИМОВ чизган сурат

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллигига

МУАТТАР ШАМОЛЛАР



Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов оила аъзолари билан

Оётин заминга қадаган собит,
Комил Инсон зоти нечовлик юксак.

Ғафат у мавжудки, олам файзиёб,
Ғафат инсонликка унинг ҳаққи бор.
Устивор инсонлар, сиз нечов ноёб,
Сизни учратган қалб нечов бахтиёр...

Эллигинчи йилларнинг адоғида «Ватан» кинотеатрида рус кинорежиссёри Г. Козинцевнинг кино асари — «Ҳамлет» фильми намойиш этилаётган эди. Уша кунларнинг бирида томошабинлар орасида таниқли шоирлардан бирини учратиб қолдим. У кутилмаганда, ушбу филмдан олган ҳайратини эмас, балки 30-йилларда Ҳамза номидаги театр саҳнасида кўйилган «Ҳамлет»дан сўз очиб, «Маннон Уйғур Шекспирнинг бу ўлмас асарини уша пайтдаёқ тўғри идрок ва тақдир этган экан» деб машхур спектакл ҳақида тўқиниланиб сўзлаётган эди. Кейин, яна шундай кутилмаган бир ҳолатда, Абдулла Орипов деган ёш шоирни кашф этганини ва унинг ўзига қўшни бўлиб яшаётганини айтди. Хуллас, уша куними ё эртасигами у киши мени уйига бошлаб бориб, «Нақ Усмон Носирнинг ўзи» дегани Абдулла Ориповни қақиртириб келди. Ёш шоир тонгга қадар шеър ўқиди, ўқиганда ҳам ҳамма шеърларини ёдан ўқиди. Бу, 50-йиллар шеърлатига асло ўхшамаган, шу шеърлати ичидан гўё олов бўлиб чиқиб, кўкка ўрлаган ва теварак-атрофга турфа мушак қиличлари ўлароқ отилиб, ҳаммаёқни — зимистон кечани нурафшон этиб юборган шеърлар эди.

Абдулла Орипов бу пайтда ҳали шеърлат мухлислари қалбини забт этмаган, улар ҳам XX аср ўзбек шеърлатининг улкан намояндalarидан бири турилганидан ҳали беҳабар эдилар.

Шу эсланим вақтдан кейин ўтган қирқ йилдан зиёдроқ даврда Абдулла Ориповнинг асарлари кириб бормаган хонадон қолмади. Унинг ижоди мамлакатимиз саҳнада янгилашиб, қанчадан-қанча юртларда ўзбек шеърлатининг мухтор эласи сифатида ҳалол хизмат қилди. Унинг асарлари орқали қўшни халқлар танги ва жўмарда ўзбек халқининг эзгиллиги тула қалбини ихтиро қилдилар.

Шеърнинг ҳам гўдаклик, ўсмирлик ва болалик фасллари бўлади. Шеърнинг ҳам тулпордек кўркам ёшлиги ва кузги ялангоҳ дарахтдек хаста кексаллиги бўлади. Агар ана шу тасарруфдан келиб чиққан ҳолда Орипов шеърлатига назар ташласак, унинг шеъри бира тула жўшқин тулпор ўлароқ турилгандек таассурот қолдиради, кишида. Аммо шунга қарамай, унинг бутунги шеърлати билан олтиминчи йиллардаги шеърлати асарларини ажратиб қўйин эмас. Агар шоирнинг ўзбек шеърлатига олтин аланга бўлиб қирган кезларидаги асарларини ўқисак, улардан эрта баҳорнинг бинафша уфори билан тўйинган элкани эсди. Улардаги соддалик табиийлик, юксаклик, шаффоқлик мавжлари билан тула. Шунинг учун ҳам уларни 60-йиллар авлоди ҳали-ҳануз ёд ўқиб юради.

Чувалади ўйларим сенсиз,
Ҳаёлимга тарақ ўргайман.
Менинг қўлим елмаган юлдуз,
Тушларимда сени кўргайман.

Баланддасан тоғлар қоридан,
Чақирасан мени илгари.
Ёлбораман арвоҳ ортидан
Иштилувчи Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача майлага кетай,
Кетай, майли бўлиб овора.
Сени сўраб қўямаса нетай,
Ёрда қолган севги бечора.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир шеърларида эсан бу майн настарин шеърлати шабаданнинг қаҳрли бўронлари гулган даврда ўзбек шеърлатидан қувиб чиқарилган эди. Шундан кейин шеърлатимизда юрак торларини черта олмайдиган ҳиссиёт сўзлар тизмаси — «долзарб ғоялар» тасвири авж олади. Секин-аста бадиий дид ҳам хира торди. Кўнгил лирикаси унутлади. Ана шундай адабий-тарихий бир даврда ёш шоирнинг беғубор юрагидан тошиб чиққан юқорида келтирилгандек ўта самимий сатрлар китобхонни мафтун этди-қўйди. Ўзбек шеърлати ўзининг асл манзиллари сари, манбалари сари интилади. Ана шу жараёнда Абдулла Орипов шеърлати пешқадамлик

қилди.

Шоирнинг олтиминчи йилларда яратган асарларида мавзулар ҳам, туйғулар ҳам, бадиий шакллар ҳам ҳавас қиларли даражада ранг-баранг. Энг муҳими, уларда сохта туйғуни, шоирнинг ула суртилган, пардоз қилинган лирик «мен»ини кўрмайсиз. У ўзининг меҳри билан ҳам, нафрати билан ҳам ўта самимий. Боқира туйғулар камалаги порлаб турган бу шеърлар бежиз шеърлат мухлислари қалбидан бир умрга ўрин эгаламади.

Абдулла Орипов шу даврда ўз қалбининг нозик таманноларини шеърлати пардаларига солар экан, секин-аста шоир ижодининг бош мавзуси униб чиқа бошлади. Бу, она — Ватан мавзуси эди. Унинг шу мавзу тақинига бағишланган ўнлаб шеърларида она юрт шамоли эсиб, шеърлати мухлислари қалбига ватанпарварлик туйғуларини сочди, уларни мунаввар роғлар билан бойитди.

Камини шоирнинг ана шу туркум шеърларини тилга олар эканман, эллигинчи йиллар арафасида моголдурак сингари қадираб ўтган бир воқеа хотирамга келди. Мустабид шўролар тузумининг адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган муҳажир қарорлари кетма-кет чиқаётган кезларда «Правда» газетасида ана бир бош мақола эълон қилинди. Унда таниқли украин шоири В. Сосноранинг «Украинани севги» деган шеъри буржуа миллатчилигининг даҳшати бир намунаси сифатида гўрзи остига ташланди. Қардош халқлар ҳар қуни эрта билан «Ассалом, рус халқи, улуг оламиз, Ассалом, Москва, Сталин жонажон», дея уйғонаётган бир пайтда қандайдир бир шоирнинг «Украинани севги» дейиши миллий маҳдудлик, деб топилади. Шундан кейин ўзбек шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Вохидовнинг машхур шеърлари пайдо бўлганга қадар она-Ватанга бетакрор севги туйғуларини изхор этишдан чекинди. Шунинг учун ҳам бу икки ўлмас шеърлатимизнинг ўзбекномасини бутун халқ, айниқса, кекса авлод вакиллари чанқоқ қалб билан қабул этдилар.

